

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_

▼ **Kun tartibi**

НОКИМ QABULI: MUROJAATLAR VIRTUAL, NATIJALAR REAL

Toshkent viloyati hokimi Zoyir Mirzayevning fuqarolar uchun navbatdagi qabuli bo'lib o'tdi. Unda Piskent, O'rta Chirchiq hamda Toshkent tumani fuqarolarining murojaatlari tinglandi.



Viloyat hokimligi murojaatlar bilan ishlash bo'limi tomonidan onlayn tarzda tashkil etilgan qabulda tegishli hudud hokimlari,

boshqarma va tashkilot rahbarlari qatnashdi. Muvoqot davomida 50 dan ortiq fuqaroning murojaatlari ko'rib chiqildi.

Ularning aksari joyida hal etildi. Vaqt talab etiladiganlari esa mutasaddilar tomonidan nazoratga olindi. Shuningdek, xalq xo'jaligining turli

sohalariga doir yangi taklif va mulohazalari eshitildi. Viloyat hokimining fuqarolar uchun qabullari davom etadi.

▼ **“Тошкент ҳақиқати” минбари**

Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсат марказида инсон, унинг манфаати, фаровонлиги ва ҳаёт сифатини ошириш турибди. Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган ижтимоий ҳимоя тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва камбағалликка қарши курашиш борасидаги ислохотлар вилоятимизда ҳам самарали натижаларни бера бошлади.

ИНСОН ҚАДРИ ҲАР НЕДАН УСТУН

Мустақиллигимизнинг 34 йиллик тантаналари арафасида юртимиз бўйлаб “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” шиори остида эгу ишлар, хайрли ташаббуслар амалга оширилмоқда. Улар орасида инсон ҳаёти, унинг қадри, фаровонлиги учун курашаётган муҳим соҳалардан бири – Ижтимоий ҳимоя тизимидир.



қўйилаётган пойдевордир.

Бу тизим бугунги кунда фақатгина моддий ёрдам берувчи орган эмас, балки одамларнинг келажака бўлган ишончини уйғотувчи, жамиятда ўз ўрнини топишида сунячиқ бўлаётган инсонлар, адолатли ва ҳаётбахш механизмга айланади. Вилоятимизда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги бошқармаси томонидан амалга оширилаётган ишларнинг қўлими ва натижадорлиги сўзларимизга ёрқин мисолдир.

Реабилитация ва мослаштириш марказида даволаниб қайтган Салима Диёрова асли сурхондарёлик. Тақдир тақазоси билан Охангарон туманига келин бўлиб тушган. Турмуш ўртоғи иккиси ҳам олий маълумотли. Икки нафар фарзандлари бор. Ширин турмушларига аралашган оилавий келишмовчиликлар аёлнинг қаддини букади. Қайнона томонидан қилинган босимлар туфайли турмуш ўртоғи бошқа бир аёлга уйланишига, Салимани эса умид билан келин бўлиб тушган уйдан ҳайдалишига сабаб бўлади. Шундай оғир дамба унга марказ томонидан психологик ёрдам кўрсатилди. У яна ҳаётга қулиб қарашни бошлади.

Аёл – жамиятни тараққий эттирувчи буюк куч. Уларнинг ҳаётини яхшилаш, қийин вазиятлардан чиқариш ва жамиятга мослаштириш борасида ҳам муҳим қадамлар қўйилмоқда. Вилоятда фаолият юритаётган реабилитация ва мослаштириш марказлари орқали кўплаб аёллар ҳаётга янги нигоҳ билан қарашни бошлади. Улар ҳаётга қайтиб, янги иш, янги мақсад ва умид билан яшашни бошламоқда. Шунингдек, бир боланинг туғилиши фақат бир оиланинг эмас, бутун миллатнинг бардавомлигидир. Шу маънода, ҳомиладор аёлларга, ёш оналарга кўрсатилаётган эътибор нафақат уларнинг, балки бутун жамиятнинг соғлом келажагига

Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида вилоятдаги 1 минг 510 нафар аёлга 1 млрд. 10,1 млн. сўм миқдорда декрет нафақаси тўланди. Бу уларнинг моддий барқарорлигини таъминлабгина қолмай, соғлом авлодни тарбиялашга ҳам бевосита хизмат қилмоқда. “Камбағал оилалар реестри” лойиҳаси ҳам ҳар бир инсон тақдирига дахлдор ҳаётий дастур сифатида ҳаётга татбиқ этилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

▼ **30 июль – Халқлар дўстлиги куни**

ҲАМЖИҲАТЛИК ТАРАННУСЛИ

Ҳар йили мамлакатимизда 30 июль – Халқлар дўстлиги куни сифатида кенг нишонланади. Маълумки, Тошкент вилояти кўп миллатли ҳудуд бўлиб, аҳолининг 70 фоизини ўзбеклар, 12 фоизини қозоқлар, 5,5 фоизини тожиклар, 4,6 фоизини руслар ва қолган 7,9 фоизини бошқа миллат вакиллари ташкил этади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Бизнинг энг катта бойлигимиз – кўп миллатли халқимиз, турли миллат ва конфессиялар вакиллари ўртасидаги тинчлик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликдир. Биз бундай бебаҳо бойлик билан ҳақли равишда фахрланамиз ҳамда давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини мамлакатимиздаги дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга йўналтирамиз.”



2

▼ **Dolzarb 90 kun**

BIR KUN HAM BENUDA O'TMASIN



Prezidentimiz tashabbusi bilan amalga oshirilayotgan “Dolzarb 90 kun” loyihasi yoshlarni har tomonlama qo'llab-quvvatlash, ularning bilim, iqtidor va salohiyatini yuzaga chiqarishga xizmat qilmoqda.

2

▼ **Оилавий тадбиркорлик**

Юқори Чирчиқ туманида аҳолини иш билан таъминлаш, даромад манбаларини кенгайтириш ва тадбиркорлик муҳитини янада ривожлантириш мақсадида “Оилавий тадбиркорлик” ҳамда “Бизнесга биринчи қадам” дастурлари доирасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, “Ободон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги хонадонларда аҳоли учун доимий даромад манбаи яратилди.

2

БИР МАҲАЛЛА – БИР МАҲСУЛОТ



**Ўзбекистон Республикаси
Давлат Мустақиллигининг
34 йиллигига
ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ:
БАТАНИМНИ МАДҲ ЭТАМАН!**

Тошкент вилояти ҳокимлиги, Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими, вилоят маданият бошқармаси, Журналистлар уюшмасининг вилоят бўлими, Республика Маънавият ва маърифат марказининг вилоят бўлими ҳамкорлигида Тошкент вилоятида туғилиб, ижод қилаётган профессионал ва ҳаваскор шоирлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллигига бағишланган “Ватанимни мадҳ этаман” деб номланган шеърлар кўрик-танловига ҳужжатларни қабул қилиш жараёни бошланди.

*** Шеърлар:**

– мамлакатимиз ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган кенг куламли демократик ислохотлар юрдошларимизнинг турмушини яхшилаш, дунёқарашини юксалтиришга хизмат қилаётганини тарғиб этишга;

– сунгги йилларда юртимиз маънавий-маърифий ҳаётида амалга оширилаётган ислохотлар ва бу борада эришилаётган натижаларни турли ташбеҳлар, янги адабий топилмалар асосида тасвирлашга;

– Янги Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузи ва обрўси ошиб бораётганини, давлат ва жамият ҳаётидаги ўзгаришлар изчил амалга оширилаётганини ҳаётий мисоллар ва тарихий ютуқларга асосланган мисралар асосида мадҳ этишга;

– халқимизнинг турмуш даражаси, онгу тафаккури, билим ва маданиятини ошириш буйича қилинган ишларни адабий талаблар асосида ифода этиш ҳамда вилоятимиз жамоатчилигига етказиб беришга;

– мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, чегараларимиз дахлсизлигини асраш, доимо оғоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш, сафарбарлигимизни янада ошириш – бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган энг муҳим ва долзарб вазифамиз эканини тарғиб этишга қаратилиши лозим.

“Ватан учун, миллат учун, халқ учун!”

эгу гоёси асосида ўтказилаётган ушбу танлов ғолиблари:

* **1-ўринни** эгаллаган иштирокчи 10 миллион сўм пул мукофоти, диплом билан;

* **2-ўринни** эгаллаган иштирокчи 7 миллион сўм пул мукофоти, диплом билан;

* **3-ўринни** эгаллаган иштирокчи 5 миллион сўм пул мукофоти ва диплом билан тақдирланади.

Шунингдек, учта рағбатлантирувчи ўрин соҳибларининг ҳар бири 3 миллион сўм пул мукофоти ҳамда диплом билан тақдирланади.

* Танловга тақдим этилган ижодий ишга қўйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

* муаллиф ҳақида маълумотнома (объективка);

* муаллифнинг паспорти ёки ID-карта нусхаси;

* муаллифнинг фотосурати;

* муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2024 йил 1 сентябрдан 2025 йил 15 августгача бўлган даврда ёзилган шеърлар – асарлар жорий йилнинг 20 августигача қабул қилинади.

Ижодий ишлар «Ватанимни мадҳ этаман» танловига деб кўрсатилган ҳолда, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилоят бўлими масъул ходими (У.Қўбилов) <https://t.me/ulugbek000000> телеграм манзилига юборилади.

Эслатма: шеърлар электрон тартибда қабул қилинади. Шеърлар сони 3 тадан ошмаслиги керак.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар жамланиб, сараланади ва эътироф этилганлари умумий тўпламга 1 дондан киритилиб, баёз-китоб ҳолида чоп этилади.

Шеър танлови буйича мурожаат учун телефон: +998888757745

* Шунингдек, маъруз шеърлар орасидан лозим топилганлари қўшиқ учун танлаб олинади.

* Профессional ва ҳаваскор бастакорлар томонидан тайёрланган ушбу янги қўшиқлар Мустақиллик байрами муносабати билан Тошкент вилоятида ўтказиладиган байрам дастурига ва вилоят миқёсидаги бошқа тадбирлар дастурига киритилади.

Қўшиқлар ёзиш учун студия харажатлари Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан тўлаб берилади.

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА

Шуни алоҳида эътиборга олиб, айни пайтда ҳудудимиз бўйича 31 та миллий маданий марказлар фаолият юритмоқда.

Хусусан, жойларда 172,3 минг нафар тожик, 18,4 минг нафар қирғиз миллатига мансуб юртдошларимиз истиқомат қилиб, умумий ўрта таълим мактабларининг бир қанчасида тожик ва қирғиз тилида таълим берилмоқда.

– Вилоятимиздаги тожик миллатига мансуб аҳоли кўп йиллардан буён бошқа миллат вакиллари билан аҳил-иноқ яшайди, – дейди вилоят Тожик миллий-маданий маркази раҳбари Саврон Мирзаев. – Тўйларимиз, байрамларимиз бирга ўтади. Ҳатто бошқа миллатлар билан қандайдир ҳам бор. Биздан қиз олиб, ўғил уйлантирган, тўйлар қилган қўллаб оилаларни биламан. Жумладан, Чирчиқ шаҳрида ҳам Орузгул Абдурахмонова ташаббуси билан "Сўғдиён" тожик миллий маркази ҳамда рақс ансамбли ташкил этилган. Бундан ташқари, "Ситора" ва "Гулдухтарони Масчо" рақс дасталари ҳам бор бўлиб, у ерда ёшлар миллий санъатимизни оммага таранум қилмоқда. Бир неча йил

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

илгари Нурафшон шаҳридаги Дўстлик уйида тожик миллий маданиятини акс эттирувчи музей ташкил этилди, Бўка туманидаги "Навобот" маҳалласидаги уй-музейимизда эса мунтазам

ман-ата" гузариди миллатлараро тадбир бўлиб ўтди.

Унда турли миллатларнинг урф-одатлари, маданияти, миллий либослари, аънаналари акс эттирилган концерт дастури на-

назар тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиш давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бирига айлангани таъкидланди.

Шунингдек, Янгийўл шаҳрида татар, корей ва рус миллатига мансуб фуқаролар ўзларининг урф-одат ва аънаналари акс этган кўргазма ташкил этилди. Унда йигилганларни қизиқтириш учун турли халқ уйинлари намойиш қилинди. Барча марказлар фаол иштироки учун фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Мухтасар айтганда, бу каби хайрли ташаббусларда халқларимизнинг миллий урф-одатлари ва қадриятларидаги бирдамлик, ҳамжиҳатлик ва тотувлик таранум этилмоқда. Ушбу олижаноб мақсад йўлида вилоятимиз бўйлаб бир неча кундан бери давом этаётган мана бундай Дўстлик ва бирдамлик байрамлари "Ўзбекистон – умумий уйимиз" деган эзгу ғоя билан яшаётган олижаноб халқимизни янада бирлаштиради. Минтақамиздаги тинчлик ва оқошталлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мазкур байрам тадбирлари жойларда давом этмоқда.

Нигора УРОЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири



равишда миллийлигимизни акс эттирувчи кўргазмалар ташкил қилинади.

Таъкидлаш лозимки, мазкур байрам муосабати билан Чиноз тумани Эшонабод маданият маркази ходимлари томонидан ҳам Олмазор марказидаги "Най-

моийш этилди. Ўзаро давра суҳбатларида эса мамлакатимизда бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш ҳамда миллатлараро ва конфессиялараро ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлаш, фуқароларга миллати, диний эътиқодидан қатъий

▼ Prezident topshirig'i – amalda

PARVARISH XIZMATI – YAKSHILAR HIMMATI

Davlatimiz rahbarining tegishli qaroriga asosan 2025 yil 1 martdan boshlab tajriba-sinov tariqasida bosqichma-bosqich respublikaning 7 ta hududida 3 yoshdan 18 yoshgacha nogironligi bo'lgan bolalar uchun davlat-xususiy sheriklik asosida kunduzgi parvarish xizmati tashkil etilishi belgilangan edi.



Ushbu ezgu tashabbus negizida Chinoz tumanidagi "Yo'l tushgan" mahallasida ham zamonaviy talablar asosida kunduzgi parvarish markazi tashkil etildi.

Bugungi kunda bu yerda nogironligi bo'lgan bolalarni ijtimoiy hayotga moslashtirish, ularning salohiyatini yuzaga chiqarish borasida samarali faoliyat yuritilmoqda.

Markazda har bir bolaning yoshi, imkoniyati va holatidan kelib chiqib individual reja asosida parvarishlash va rivojlantirish olib boriladi. Ijtimoiy moslashuv, reabilitatsiya, ta'limiy va madaniy faoliyatlar uyg'unligida tashkil etilgan ushbu xizmat bolalarning hayot sifatini oshirishda muhim rol o'ynamoqda.

Bunday maskanlar nafaqat bolalar, balki ularning ota-onalari uchun ham katta imkoniyatlar eishigini ochmoqda.

Zero, ilgari nogironligi bo'lgan farzandning parvarishi bilan band, ishlashga intilishi bo'lgan ota-onalar endi o'z kasbiga qaytish, moddiy va ma'naviy jihatdan mustahkamlanish imkoniga ega bo'lmoqda. Ayni paytda boshqa hududlarda ham bosqichma-bosqich kengaytirilayotgan ushbu xizmat tizimi, jamiyatimizda mehr, e'tibor va inkiyozlilik tamoyillarining amaliy ifodasi bo'lib xizmat qilmoqda.

O'z muxbirimiz

– Маҳалламизда 520 дан ортқ хонадон бўлиб, деярли барчасида "Бир маҳалла – бир маҳсулот" тамойили асосида Хитой қарами етиштиришни йўлга қўйдик, – дейди ҳоким ёрдамчиси Мирзабек Миржалолов. – Ҳар бир оила мавсумда ўртача 40–50 миллион сўмдан даромад олмақда. Аҳоли

БИР МАҲАЛЛА – БИР МАҲСУЛОТ

томорқадан самарали фойдаланиши учун кредитлар ажратилди, шунингдек, мотокультиваторлар харид қилишда ҳам кўмак берилди.

Айниқса, 100 дан ортқ хонадон эгалари қарами экиб, даромад топишда бош-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



қаларга ибрат бўлишмоқда. Бу йўналиш "Сайхунбод" тажрибаси асосида ташкил этилиб, аҳолининг ташаббуси ва давлат томонидан яратилган имкониятлар уйғунлигида амалга оширилмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Хитой қарами – экспортбон маҳсулот бўлиб халқ тилида "пекинча қарами" деб ҳам аталади. Сўнгги йилларда бу қарами сердаромад ва экспортбон маҳсулотлардан бирига айланди. Парвариши ҳам унчалик мураккаб эмас, яхши сугориладиган, кўшли ҳудудларда 45–55 кунда етлади.

– Нафақага чиққанмига 18 йил бўлди, – дейди томорқачи Мавлуда Раҳматуллаева. – Хитой қарами етиштиришни корейс миллатига мансуб танишларимдан ўргандим. Бир неча йилдири, томорқамда етиштириб, қуритиб келаман. Оиламизнинг асосий даромади шу орқали. Ҳар бир боғдан 250–300 грамм қуритилган қарами чиқади. Уни қадоклаб, Корея ва Россия давлатларига экспорт қиляемиз. Авваллари бир йилда 2–3 марта ҳосил олган бўлсак, ҳозирда 4 мартага етказдик. Келгуси йилдан эса йилга 6 марта ҳосил олишни режалаштиряемиз. Шунингдек, маҳалламиздаги 32 оилга қарами етиштириш сирларини ўргатяман.

Бу ташаббус ортдан маҳаллада ишсизлар қамайиб, аҳоли турмуш даражаси ўсмоқда. Айниқса, хотин-қизлар ҳамда ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, бўш ерлардан оқилона фойдаланиш ҳисобига бу иш янада кенгаймоқда.

Нигора ЭРКИНБОЕВА



Вилоятдаги жами 102 минг оила сўровномадан ўтказилди. Шундан 37 минг 410 та оила реестрга киритилди. Улар орасидан 6 минг 677 та эътибор ва парваришга муҳтож оила қизил тоифага, 26 мингга ишлашга тайёр, аммо малакасиз оила сариқ тоифага, муайян даромадли, лекин барқарор бўлмаган 1 минг 793 та оила яшил тоифага киритилди.

Ҳар бир оила учун алоҳида ёндашув жуда муҳим. Фақат моддий ёрдам билан муаммони ҳал қилиб бўлмайди. Шу боис 31 минг 545 та оила ва уларнинг 120 минг 890 нафар аъзоси учун 239 минг 245 та индивидуал хизмат режаси ишлаб чиқилди. Улар орасида 22 мингга хизмат барқарор даромад манбаларини яратишга, 9 мингга касб-хунар ўргатишга, 30 мингга ижтимоий хизматлар кўрсатишга, 88 мингга эса қафолатли тиббий ёрдамга йўналтирилди.

Натижада, 2 минг 612 та оиладаги 10 мингга яқин инсон қамбағалликдан чиқиб, янги ҳаёт сари қадам ташлади.

ИНСОН ҚАДРИ ҲАР НЕДАН УСТУН

Дарҳақиқат, бошланган иш самарали бўлиши учун назорат ва масъулият ҳам бўлиши керак. Шу мақсадда 7 минг 323 та оилага 1 минг 517 нафар раҳбар ва ўринбосар бириктирилди. Улар ижро назоратини олиб бориб, 148 минг 900 та ёрдам ва хизматларни ташкил этишди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя тизимини замон талаблари асосида такомиллаштириш, эҳтиёжманд қатламларга сифатли хизмат кўрсатиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, соҳа ходимларининг малакасини ошириш, хоржий тажрибани ўрганиш бўйича ташаббуслар ижобий натижалар бермоқда.

Маҳаллаларда комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи бир гуруҳ ходимларни таъминлаш, кексаларга кўрсатиладиган хизматлар, ҳамда оилавий ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмлари билан яқиндан танишишди. Ана шу қатнашчилар орасида Тошкент туманидаги "Саноят" маҳалласида ижтимоий хизмат кўрсатувчи Умида Ҳамидуллаева ҳам бор. У фаолият кўрсатаётган манзилда 2 минг 903 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улар орасида 61 нафар ногиронлиги бўлган шахс ҳам бор. Аҳолининг фаровонлигини таъминлаш, ижтимоий муаммоларига индивидуал ёндашушни йўлга қўйиш мақсадида маҳаллада комплекс ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими жорий этилган. Жумладан, йил бошидан буён тизимга 200 дан ортқ мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 80 фоиздан ортиги ижобий ҳал этилган. Бу эса тизимнинг самарадорлигини амалда кўрсатмоқда. Айниқса, ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш йўналишида салмоқли ишлар қилинмоқда. Айна маҳалладаги вакилимиз Умида Ҳамидуллаеванинг сая-ҳаракати билан 2-гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар рўйхатида турувчи Ҳамида Қўлдошева тикувчилик соҳасидаги қизиқиши ва малакаси эътиборга олинди, тикув машинаси билан таъминланди. Шунингдек, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 5 нафар аъзосига ҳам меҳнат бозо-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

рида ўз ўрнини топишга кўмак берилди. Бундан ташқари, "Қамбағаллик реестри"га киритилган оилаларни касб-хунарга йўналтириш орқали уларнинг иқтисодий ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёки шу маҳаллада яшовчи Гулноза Маҳаматова ошпазлик, тикувчилик ва IT йўналишларида ўқиб чиқиб, мустақил даромад манбаига эга бўлди. Оилавий фаровонлиқни мустаҳкамлаш мақсадида турмуш ўртоғи учун субсидия асосида мотокультиватор олиб берилди. Фарзандининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини расмийлаштиришда ҳам ёрдам кўрсатилиб, бепул тўғарақларга жалб қилинди. Бу каби қўллаб-қувватловлар оиланинг қамбағалликдан фаровонлик сари қадам ташлашига сабаб бўлди.

Ҳар бир инсон, айниқса, ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар эътиборсиз қолмаётгани давлатимиз ижтимоий сиёсатининг энг муҳим



ютуғидир. Бу ёндашув "инсон қадри" ғояси амалда қандай рўёбга чиқарилаётганини исботлайди. Фидойи ходимлар орқали ижтимоий адолат, ғамхўрлик ва умид ҳар бир хонадонга етиб бормоқда. Маҳалладаги ҳар бир ижобий ўзгариш эса жипслик, масъулият ва меҳрнинг мевасидир.

Янгибой Ҳайитбоев Бўка тумани "Янгиҳаёт" маҳалласида яшайди. 2-гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс сифатида рўйхатга олинган Янгибойнинг IT соҳасига катта қизиқиши бўлиб, хаттоки дастурлаш билан шуғулланиб келган. Авваллари иш жойи уйдан анча олисда жойлашгани боис, ижарада яшаб, ишлашга мажбур эди. Бугун эса унинг вазияти буткул ўзгарди. "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази кўмағида Бўка агротехнологиялар техникумига тармоқ администратори сифатида ишга қабул қилинди.

Бир сўз билан айтганда, ижтимоий ҳимоя соҳасида амалга оширилаётган ишхотлар, имконияти чекланган инсонлар ҳаётини энгиллаштириш ва уларни жамиятга тўлақонли қўшиш йўлидаги амалий ҳаракатлар барчамизга куч ва умид бағишламоқда.

Дарвоқе, мустақиллик бу халқнинг фаровон ҳаёти, адолатли жамият ва инсон қадрини улуғлаш демакдир. Ижтимоий ҳимоя тизими нафақат кўмак берувчи, балки инсон ҳаётини ўзгартирувчи, уни фаровонлик сари етакловчи механизмга айланмоқда. Бу тизим орқали энг асосий мақсад – халқимизнинг барқарор ва бахтли ҳаётини таъминлашдир. Чунки бу ишлар фақатгина бир инсон учун эмас, балки бутун Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

Мирализ МИРСУЛТОНОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
вилоят бошқармаси бошлиғи


BIR KUN HAM BEHUDA O'TMASIN

Aslida yozgi ta'tilda maktab o'quvchilarining hammasi ham oromgohlarga qamrab olinmaydi. Ayrimlari uyda qolib, smartfon va internetga qaramlik ortadi. Ota-onalarning ishida ekani inobatga olinsa, ko'p yoshlar kunduzi qarovsiz qoladi. Bu holat nafaqat maktab o'quvchilari, balki oliy ta'lim muassasalarida talabalari orasida ham kuzatiladi. Ayrimlari ishlasa, aksariyati turli ijtimoiy tarmoqlarga qaram bo'ladi. Bu – bor gap.

Aynan mana shunday sharoitda yoshlarga ma'naviy ko'mak berish, ularni ijodiy, ta'limiy va kasbiy faoliyatga jalb qilish muhimdir. Hozir barcha ta'lim muassasalarida yoshlar uchun fan, sport va kasb to'garaklari faoliyati yo'lga qo'yilgan. Jumladan, Toshkent davlat texnika universiteti Olmalik filialida ham "Dolzab 90 kun" loyihasi doirasida bir qator ma'naviy-ma'rifiy va amaliy tadbirlar tashkil etilmoqda.

Loyiha maboyinida maktab bitiruvchilari uchun davra suhbatlari, payvandlash

(Davomi. Boshlanishi 1-sahifada)



to'garaklari, ko'chma laboratoriyalar hamda turli fanlar bo'yicha seminar-treninglar o'tkazilyapti. Bitiruvchi yoshlar oliyoghdagi zamonaviy laboratoriya va o'quv xonalari faoliyati bilan yaqindan tanishish, bilim va ko'nikmalarini chuqurlashtirish imkoniga ega bo'lmoqda. Bunday hamkorlikdagi faoliyat yoshlarning bo'sh vaqtini mazmunli tashkil etish, ularni kelajakda raqobatbardosh kadr sifatida tayyorlashda muhim qadam bo'ldi.

Shuningdek, yoshlarning ma'naviy-axloqiy qiyofasini shakllantirishga qaratilgan psixologik treninglar ham tashkil etilib,

mahallalar bilan hamkorlikda turli chora-tadbirlar rejasini ishlab chiqilib, uchrashuvlar tashkil etilmoqda. Ularda stressni boshqarish, ruhiy barqarorlikni saqlash va hayotdagi muammolarni yengib o'tish borasida yoshlarga aniq yo'l-yo'riqlar berilmoqda.

Bundan tashqari, yoz oylarida yoshlarning jismoniy faolligini oshirish, sportga qiziqishini kuchaytirish maqsadida ta'lim muassasalarida sport maydonlari va zallari faoliyat ko'rsatmoqda. Masalan, OTM va maktablar hamkorligida yoshlarda sog'lom raqobat muhitini yaratish maqsadida sportning turli



yo'nalishlarida musobaqalar tashkil etilyapti. "Dolzab 90 kun" loyihasi yoshlar uchun faqat vaqt o'tkazish emas, balki kelajak hayoti uchun zarur ko'nikmalarni shakllantirish, bilimni boyitish, ijtimoiy faollikni oshirish yo'lidagi imkoniyatdir. Har bir ustoz, ta'lim muassasasi va mahalla rahbari bu jarayonda faol ishtirok etishi, yoshlar salohiyatini ro'yobga chiqarishda o'z hissasini qo'shishi bugungi kunning dolzarb vazifasidir.

Alisher SAMADOV,
TDTU Olmalik filiali direktori,
texnika fanlari doktori, professor

▼ Саломатлик

КАСАЛЛИККА ҚАРШИ КУРАШ:

НАТИЖА ҚАНДАЙ?

Соғлиқ инсоннинг энг катта бойлиги. Афсуски, баъзи юқумли касалликлар ўз вақтида аниқланмаса, оғир асоратлар қолдириши ва ҳаёт сифатига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Шундай хатарли хасталиклардан бири – гепатитдир.

Бугун дунё бўйича 500 миллиондан ортиқ одам гепатит вирусини “кўтариб” юрибди. Бу ОИВ ёки барча турдаги саратонга чалинганларнинг умумий сонидан ўн икки баробарга кўп демасди. Ҳар йили бир миллиондан зиёд инсон гепатит туфайли ҳаётдан кўз юмаётгани эса бу касалликнинг қанчалик хавфли эканини яққол кўрсатади.

Бугун юртимизда бу иллатнинг олдини олиш, аҳолини ҳимоя қилиш йўлида жиддий қадамлар ташланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2022 йилнинг 16 май куни қабул қилинган “Айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, юртимизнинг барча ҳудудларида вирусли гепатитнинг В ва С турларини эрта аниқлаш ва самарали даволаш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилиб, амалга оширила бошланди. Хусусан, Тошкент вилоятида марказий ва оилавий поликлиникалар орқали аҳолига 122 минг 720 дона экспресс-тест етказиб берилди.

Текширувлар натижасида 2 минг 450 нафар фуқарода гепатит “В”, 1 минг 940 нафар фуқарода эса гепатит “С” аниқланди. Вирусли гепатит “С” билан касалланган 1 минг 175



беморга давлат бюджети ҳисобидан бепул дори-дармон тақдим этилиб, уларнинг ҳаёти назоратга олинди.

Дарвоқе, шифокорлар томонидан нафақат даволаш, балки тарғибот ишларига ҳам катта аҳамият қаратилмоқда. Аҳолига гепатитнинг юқishi йўллари, асоратлари ва даволаниш имкониятлари ҳақида тушунтиришлар берилляпти. Бу саъй-ҳаракатларнинг ортида битта мақсад ётади: ҳеч ким касал бўлмасин, ушбу вирус ҳеч бир оила вакилининг ёстиғини қуритмасин.

Озода Усмонова,
Қйбрай тумон юқумли
касалликлар шифохонаси
бош шифокори

▼ Жиноят ва жазо

Сўнгги йилларда технологик ривожланишнинг энг серқирра маҳсулларида бири – дронлар (учувчисиз учиш қурилмалари) кўплаб соҳаларда инқилобий ўзгаришларга сабаб бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Аммо танганинг икки томони бўлган

ни каби, дронлар мамлакатдаги мавжуд ҳарбий ва стратегик сирларни очишда ҳам муҳим қуролга айлана олади. Бугун дунёда содир бўлаётган сиёсий вазиятларда айнан дронлар “бош ролда” бўлаётгани сўзимизни тасдиқлайди.

ВАҚТИДА ҚўНДИРИЛГАН «ПАРВОЗ»ЛАР

Шу боис, юртимизда мазкур учувчисиз қурилмалардан фойдаланишда қатор тақиқлар мавжуд. Хусусан, хавфсизлик нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, 2015 йил 1 январдан бошлаб мамлакатимизда дронларни импорт қилиш, сақлаш, ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш расман тақиқланган. Бу муносабатлар фақатгина тегишли меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади ва мазкур қурилмалардан фойдаланиш фақатгина ваколатли органларнинг махсус рухсати билан бўлади.

Мазкур тақиқни янада мустаҳкамлаш мақсадида дастлаб, 2019 йилда бу бўйича Жиноят кодексига алоҳида модда киритилди. Унга қўра, учувчисиз қурилмалардан ноқонуний фойдаланган ёки олиб қирганлар уч йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиниши белгиланган эди. Кейинчалик, бу бўйича энгиллик бериш мақсадида, 2024 йил март ойида мазкур модда чиқариб ташланиб, ўрнига Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига 185⁴-модда киритилди.



Янги тартибга қўра, рухсатсиз дрон олиб қирган ёки ундан ўзбошимча фойдаланган шахслар жазога тортилади. Шунингдек, биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этганлар дронни ихтиёрий топширса, жазодан озод этилиши мумкин. Бироқ, қўйилган тақиқ ва белгиланган қатъий тартибга қарамай, айрим ҳолларда даромад олиш мақсадида қонуни четлаб ўтиш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Давлат хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирлар давомида ана шундай қатор ҳолатлар аниқланиб, ҳуқуқбузарларга тегишли чоралар қўрилди.

Хусусан, ўтказилган тезкор тадбир давомида “Discover Invest” МЧЖ ходими, Тошкент шаҳри Учтепа туманида яшовчи 1992 йилда туғилган М.А. Бўстонлик туманидаги қорхона ҳудудини дрон ёрдамида беруҳсат видеотасвирга олгани аниқланди.

Олиб борилган тезкор тадбирлар давомида “DJI Air 3” русумли видеокамерали дрон ҳамда унга тегишли 2 дона аккумулятор процессуал тартибда олиб қўйилган.

Яна бир ҳолатда, Янгийўл туманида яшовчи, 1998 йилда туғилган фуқаро А.Д. Чирчиқ дарёси бўйидаги “Байитиш” МФЙ ҳудудиди Интернет блогига ролик ишлаш мақ-

садида ноқонуний тарзда видео тасвирлар олган.

Олиб борилган тезкор тадбир давомида ҳуқуқбузарга тегишли “DJI Ultra Light 249g” русумли дрон ҳамда 1 дона аккумулятор процессуал тартибда мусодара қилинган.

Юқори Чирчиқ туманида эса, 2000 йилда туғилган А.А. исмли фуқаро тегишли органлардан ҳеч қандай рухсатнома олмай “Хунармандлар” маҳалласида тўй маросимини видеога олиш мақсадида дрон учиргани аниқланган.

Натижада ундаги “DJI Ultra Light 249g” дрони ва аккумулятори процессуал тарзда олиб қўйилган.

Юқоридаги ҳолатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 185⁴-моддаси билан ишлар қўзғатилган.

Бугунги кунда дунё бўйлаб хавфсизлик таҳдидларининг ўсиб бораётгани фониди, Ўзбекистонда дронлар устидан қатъий назорат ўрнатилмоқда. Бу фуқароларнинг шахсий ҳаёти дахлсизлигини таъминлаш, давлат объектларини ҳимоя қилиш ва хавфсизлиқни мустаҳкамлашга қаратилган муҳим чорадир.

Шу боис, ҳар қандай фуқаро ёки ташкилот дрон сотиб олишдан аввал унинг юридик асосларини чуқур ўрганиши, рухсатсиз парвозларга йўл қўймаслиги лозим.

Шу ўринда, жавобгарликдан қўрқмай, “жарима билан кутулиб кетаман”, дея дронлар билан ноқонуний ишлаётганларга бир мурожаат: жарималар-ку ўз йўлига. Бироқ, бу тақиқ ортида тинчлик дея аталмиш бебахо неъмат ётганини асло унутмаслик лозим.

С. САДРИЙ

МўМАЙ ДАРОМАД ИЛИНЖИ

Ички ишлар вазирлиги томонидан Республика бўйича ўтказилаётган “Хавфсиз ва соғлом юрт” тезкор-профилактик тадбири давомида жойларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳоли тинчлигини сақлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Хусусан, Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси ва Давлат хавфсизлик хизмати ҳудудий бўлини маси ходимлари ҳамкорлигида ташкил этилган навбатдаги тезкор тадбирда икки шахс одам савдоси қурбони бўлишининг олди олинди.

Аниқланишича, Қйбрай туманида яшовчи, 1991 йили туғилган (Э.К.) аёл Туркияда яшовчи танишлари билан тил бириктириб, осон даромад топиш мақсадида Янгийўл туманида яшовчи 26 ва 33 ёшли икки аёлни алдов йўли билан чет элга юборишга уринган. Уларни мўмай даромад топишга ишонтариб, Тошкент халқаро аэропорти орқали Истанбул шаҳрига фоҳишалик учун юборётган вақтида тезкор ходимлар томонидан далилий ашёлар билан ушланган.

Кейинроқ маълум бўлишича, жабрланувчи икки нафар аёлни Туркиянинг Истанбул шаҳрида яшовчи бошқа Ўзбекистонликлар қўлиб олиши керак бўлган. Ҳозирда мазкур ҳолат юзасидан ушланган шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси (одам савдоси) билан жиноят иши қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда. Шунингдек, жиноятга алоқадор бошқа шахсларнинг шахсини аниқлаш ва уларни терговга жалб қилиш чоралари ҳам қўрилган.

Абдулазиз МУСАЕВ

▼ Кўнгил шеvasи

Чин ижод замондан ташқари ҳаёт. Вақт билан ҳисоблашмайди. Ер сайёрасида энг қисқа вақтнинг кўчиши ёруғлик тезлиги ҳисобланса, ижод ўша вақтни ушлаб қолган оний лаҳзалардир. Вақт таъсир қилмайдиган сайёралар кўп – вақтсиз сайёралар. Чин ижодкор ижод қилаётган дам ўша вақтсиз оламда сайр этади. Замон ва маконга юқоридан назар ташлаётган бўлади. Шундай ижодкорлардан бири бу – Леким Иброҳимов!

Асарларида вақтни ушлаб қола олган, вақтни сайқаллаб бера олган. Ўз замони ҳақида келажакка ранг орқали гапира олган рассом.

Ҳар бир картинаси бир шеър. Картина шеърдек сўзлайди, ранглар сўзлайди, тасвирлар, ташбеҳлар, муболағалар, қалб изҳорлари... буларнинг бари картиналарда бўлади. Шоир йиллар давомида ёзган шеър-газалларини йиғиб девон тартиб беради. Қўлингизда Машраб девони бордир балки... Машрабдан кейин девон тартиб берган яна бир ижодкор Леким Иброҳимов. Бу муболага эмас. Худди шундай. “Бир картинада минг пари” ё “Бир картина ва минг пари” кўргазмасидаги суратларнинг экрани орқали кўрашганман, бир гўзал “Девон” тартиб берилганлигига амин бўлдим. Кўргазма номини эшитганимда хаёлимга “Алиф лайло ва лайло” келганди. Сўзловчи Шахризода бўлса, ҳар бир картина битта эртақдир. Мингта картинадан иборат битта дoston. Картиналарни кўра бошлагач эса хаёлимга Самарқанд келди. Бу – Афросиёб деворини суратларидек тикланган тасвирлар йиғиндиси. Бу – Шарқ рассомининг дунё узра ўз сўзини айтиши эди. Ранглар жилосида Шарқ уфуриб турибди. Бунинг илдизи эҳтимол қоятошлардаги тасвирлардир, Зараутош расмларидир, Турфон

Истеъдод вақт билан ҳисоблашмайди



йўқ. Аммо, миллат ва ижод руҳи бўлади. Леким Иброҳимовда туркийлар қони оқаркан, истаисизми-йўқми, унга ўша қон, ўша руҳ ижод чегарасини белгилайди. Леким Иброҳимов Флоренцияда Шарқ рассомчилиги, айнан турк рассомчилигини кўрсата олди. Флоренция биенналесидида олтин медални кўлга киритган биринчи ўзбекистонлик рассом сифатида тарихга муҳрланди. Флоренция Микеланжелони берган юрт, бу юртда олтин медални олиш эса...



Бу – Ўзбекистон учун фахр, бутун туркий мамлакатлар учун шарафдир! Расмлар олтин медални олган бўлса, 528 квадрат метрлик, баландлиги 8, узунлиги 66 метр бўлган полотно ўз катталиги билан Гиннесснинг рекордлар китобига киритилди.


Спортда йиллар давомида машқ қилиб, баланд сакраб рекордлар китобига кириш мумкин, ошхўрлар катта дошқозон осиб ҳам кириши мумкин... Бироқ санъатда Гиннесснинг рекордлар китобига кириш?!

Биринчи ўринни олган спортчиға ҳокимлар қўша-қўша уй ва ҳадялар берганда... Леким Иброҳимов ўз чўнтагидан Флоренция биенналесига бориб қатнашди.

олиниш лаҳзаларини мен “Ахборот”дан кўрганим йўқ...

Леким Иброҳимов 1970 йиллар эътироф этилиб, 1978 йил навқирон пайти СССР Рассомлар уюшмасига аъзо бўлган. Ундан кейин ўзимиздаги Бадиий Академия ноилж ўзига аъзо қилган. У пайти Рассомлар уюшмаси деб аталган ва бу тақшилот биринчи рақамли рассомлардан ҳайкиб келган. Уларнинг зўрлигини ҳеч ким, айниқса, ҳукумат билиб қолмаслиги керак...

Леким Иброҳимов картиналарини “ўқисангиз” аънавий Европа рассомчилик мактабини тан олмаслигини, ундан воз кечганлигини ҳис қиласиз. Шарқ, турклар ўзлигини сақлаб қолиши



учун асарлари қайғураётгандай туюлади. Аммо, санъат учун қайғураётганлар... фақат Европадами?

Аслида Шарқ рассомлар учун дўкон! Сюрреализм, кубизм, реализм, модернизм бўлади, Ғарб рассомлари Шарқ дўконидан унумли фойдаланган. Фойдаланади. Бизнинг аънаваларга, нақшларга, буюмларга, заргарлигимизга, кулолчилигимизга, символларимизга, каштачилиги атласларимизгача ўрнади, эътибор беради. Шарқ катта дўкон. Леким Иброҳимов эса шу дўконнинг ҳам эгаси, ҳам олувчиси. Бу дўконда қадимдан парилар тасвири бўлган, илҳом парилари бўлган, илоҳий фаришталар бўлган, Эзгулик фаришталари бўлган.

Бу фаришталар қандай фаришталар? Пегас минган илҳом фаришталари, жаннатдаги етмиш икки ҳур, Авестода эзгулик учун жаннатда сизни

кутиб оладиган ҳур, шаманизм фаришталари, тангричилик фаришталари, мусовийлик фаришталари, христианлик фаришталари, елкангиздаги қўриқчи фаришталар... Турк эли барча динлар аро бор.

Бу фаришталар санъат ичра эзгулик чорловчи фаришталар. Бу эса ижоддир, инсоннинг вақтдан ташқари яшаш ойнаридир.

Бу фаришталар ҳаёт ва ўлим орасида инсонни эзгуликка чорлаб ўчиб юрган фаришталардир. Балки бу фаришталар ўзбек, қозоқ, уйғур, қирғиз, умумтурк қизларининг қалбдаги инъикосидир. Тарихни ҳам, Шарқ рассомчилик тарихини ҳам шу фаришталар орқали кўришингиз мумкин.

Ижодкор ҳам оддий одамдай яшайди: ейди, ичади, ўлади. Одам оловга ёқилади, ерга қўмилади, чириydi. Чин ижодкор ўз асарлари қанотида яшай бошлайди. Леким Иброҳимов ҳам ўзи яратган фаришталари қанотида олисларга учади. Бу фаришталар шу қадар табиий, шарқона буй кўрсатганки, уларни беғона деёлмайсиз. Бу ўзимизни фаришталар дейсиз.

Санъат доим бозорга солинади. Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам, айниқса, рассомчилик картиналарида бу яққол намоян бўлади. Гоҳ атай кимшоди савдолари уюштирилади. Аммо, санъатни бозордан устунлигини кўрсата оладиган “Бир картинада минг пари” каби асарлар ҳам бор. Чизилган, чизилади.

Фаришталар умумжамоавий бир картина, бир дoston яратган бўлса-да, ҳар бир картинада бўрттирилган қайси бир бўёқ орқали битта ундов қўйилгандек. Уша ундовда бироз тин олиб, сўнг кейинги картинага ўтасиз. Шарқнинг нозик санъати борлигидан қайта ҳайратланасиз. Гузалликдан ҳайратланасиз. Расмлар чизилмагандек, бир мукамал ҳатот ёзгандек, девон кўчиргандек туюлади. Бу асарга қаралган бутун вақт давомида шундай давом этиб туради.

Ўзбекистон халқ рассоми, академик, “Халқаро Ўрхун-Энасой” мукофоти совриндорини аэропортда Флоренциядаги биенналесига ўзи яратган фаришталар кузатди, ўзи яратган фаришталар кутиб олди.

ТАЛАНТ ТОЛЕРАНТ



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

**TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI**



"Toshkent haqiqati" va
"Tashkentskaya pravda"
gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Ummat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR

Azamir MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Shahboz NIZOMIDDINOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Behzod QOBULOV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

G'ayrat SHERALIYEV



Qabulxonasi:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@uamail.uz

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchisi:

To'xtamurod HASANBOYEV

Ekspeditor:

Behruz NURBOBOYEV

Bosishga topshirish vaqti – 21.00.

Bosishga topshirildi – 19.10.

Nashr ko'rsatkichi – 205.

Buyurtma G-735.

3 050 nusxada chop etildi.

Hajmi – 2 ta boq. Ofset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy

kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»

tahririyati kompyuter markazida

terildi va Tohir Mahmudxo'jayev

tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida bosildi.

Korxonasi manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

123456

▼ Кўнгил шеваси

Иккаламиз кетдик уч томон...

СЕНСИЗЛИКДА

Сендан кетиб, сенга қайтгим келади,
Соғинчимни шеърда айтгим келади.
Қара, ҳатто етти ёт ҳам билади,
Сени кутиб умрим кетиб борадур.

Лек соғинча қарши чиқолмаяпман,
Қон-қонимга сингиб кетиб борадур.

Сенсизликка мен кўндиму дил кўнмас,
Бошқа севги юрагимда ҳеч уммас.
Умр шами сўнар, бироқ ишқ сўнмас,
Хоҳишларим енгиб кетиб борадур.

Дунёларга қарши чиқардим аёвал,
Кулфатлардан яхши чиқардим аёвал.

Қарши йўлдан кетаяпман сирганиб,
Етолмасдан, ўзгалардан қизғониб.
Бағрим ёниб, гулистоним булганиб,
Сўнакларим қирс-қирс этиб борадур.

Қорачигим дайдиб йўлда субҳи шом,
Гирён бўлди сендан кутиб бир пайғом.
Жондан ўтса чинқараркан юрак ҳам,
Ёлғиз жоним тонгага нетиб борадир?!

ЙЎЛ

Кипригине умримдан узун-у,
Сочларине ўйимга тенедайин.
Қани, бир "сўзласин" кўзинга-у,
Мен эса мириқиб "тинглайин".

Қошларине қароси кўнғилимдан,
Ране олиб кўйдими, билмадим.
Негадир, ўргилиб бўйиндан –
Ишқимнинг исботин қилмадим...

...Иккаламиз кетдик уч томон,
Хаёлга чалғидик шекилли.
Не бўлсак бўлди-у, ёрижон,
Йўлимиз батамом беркилди.



ДИЛ ДАРДИ

"...Боридан безди жоним,
Борлигин сездим жоним..."
Мансур Жумаев

Сил дардига даво бор,
Дил дардига шифо йўқ.
Фақат битта хавандор –
топсак, мушкул хито йўқ.

Ўна-у, сўл-у, олд-у орт –
ҳамма томон йўл эрур.
"Ал-мисоҳ"да қасамёд
қилдик, тақдир шул эрур.

Чекимизга вазифа
бисёр-у бисёр тушди,
Ечай дедик, оқибат
сочларга ҳам қор тушди.

Билиндики, азон-у,
намоз ораси – ҳаёт!
Қўшилмас ўзга он-у,
Заррача ҳам оҳ ва дод.

Қалбимизнинг ярасин
кўрсатмаймиз ҳеч касга.
Ҳамма кувноқ қарасин,
Шод яшайлик бир пасга.

Моҳир БЕК



КЕТАР БЎЛДИМ

Кўнгил ёлғизликка кўнди, фаромуш ҳоли тане бўлди,
Сен кетдинг-у, мен чалқашдим, қалбимда роса жане бўлди.
Излай деса гулбоғине йўқ, тутай деса илмоғине йўқ,
Ўздин билиб келмоғине йўқ, соғинган дил тажане бўлди.

Малаклар кўп, парилар кўп, хусндорлар кўша-кўша,
Лек қалбимда, гул ифорим, сен ёққан ўт ўша-ўша.

Ҳижрон билан тўлиб бўлди сен кирмаган ўша гўша,
Дийдор шукронаси кетди, энди ҳар кун аттане бўлди.

Дилга сен бўлмаган маскан минбаъд сира қизиқ эмас,
Айрилиқ бир тақдир экан, қисмат текис чизик эмас.
Амриқоми, балки Румо, кўнгил ё у, ё бу демас,
Охир кетар бўлдим, манзил Гирмон ёки Фаране бўлди.

Ёлғизликка кўниккан дил кас истамай гаране бўлди...

ИҚРОР

Гулгун майи пешлаёҳайи тақдиримга битилмабдир,
Севмаслигин билур, бале, менине севгимни билмабдир.
Жаҳон ичра саккиз миллиард зиёд инсонлар ичинда
Фақат ўзин танламоғим парвойига ҳам келмабдир.
Баски, севги уммас уруғ бўлса кўнғилимга экмасмен!

Исбот булдир – Ўзи гувоҳ, на ўпдим, на кучоғладим.
Минбаъд ҳирсага эрк бермасмен, кетма деб бошим эмасмен!

Ишқнинг чин лаззати – соғинч, бу оламда қонолмасмен,
Фақат Ҳақ ишқиде ёнеғим, ёт ишқ учун ёнолмасмен.
Уни рози қилмоқ сабаб севдим касни севган эрсам,
Буни ҳам Ўзига айтгим, бандога дил ёролмасмен.
Менга тегмаганга мен ҳам икки дунёда тегмасмен!

Сабр дедим, нафс жиловин ҳар ёнидан тушоғладим,
Гуё сонсиз сайёд бўлдим – ёвоёйи бир куш оғладим,
Ўроғлик бир пахтақандай тоза сақлай дедим, ҳайҳот,

▼ Дарвоқе

Иш бериш имконият беришдир

Кўп танишларим: "Яхши
ишчи топиш қийин", "Компа-
ниямга ходим керак", "Одам
йўқ", деган гапларни кўп
айтапти.

Муаммо фақат кадрларда
эмас. Муаммо – муносабатда.

Иш бериш – фақат маош ва ва-
зифа бериш эмас. Бу – имконият,
эйтиб бериш. Ўргатиш. Ишонтиш.
Кимдадир салоҳият бор. Аммо у
ўзини кўрсатишга имконият топа
олмаган.

Салоҳиятли кадрга эга бўлиш
учун кўйидаги уч тавсияга амал қи-
линг:

1. Резюмега эмас, салоҳиятга
қаранг:

Ҳамма ҳам кучли CV ёза олмай-
ди. Лекин баъзилари биринчи имко-
ниятни олса, энг яхши жамоа аъзо-
сига айланади. Савол беринг:

→ "Бу одам нимага қизиқади?"

→ "У қандай вазиятда очилади?"

→ "Уни кучли қилувчи тараф
нима?"

2. Хатога тайёр бўлинг:

Янги одам билан ишлаш – қи-
йин. У хатолар қилади. Лекин шу
жараён орқали у ўсади. Агар ҳар
бир хатони жавобгарлик деб қабул
қилсангиз, ҳеч қачон кучли жамоа
кура олмайсиз.

3. Иш берманг – мақсад беринг:

Агар сиз инсонга фақат иш эмас,
маъно берсангиз – у сиз билан қо-
лади. Ҳатто бошқа жой кўпроқ тўла-
са ҳам.

→ "Бу ерда у нимани ўргангани?"

→ "Унинг ҳиссаси қандай натижа
беради?"

→ "Унинг иши нима учун муҳим?"

Хулоса:

Биз иш эмас, имконият беришни
ўрганишимиз керак. Ҳақиқий раҳбар
– одамни кўради, ишонгани ва ўси-
шига ёрдам беради. Ҳатто у ҳали
тайёр бўлмаган ҳам.

Акмал ФАЙЗИЕВ,
тадбиркор

▼ Пишиқчилик



Полиздаги ҳазил ҳиргойи:
– "Кампирчопон" келди, кампир келмади...

Султонбой ДЕҲҚОНБОВЕВ олган сурат

▼ Чоршанба сабоқлари

Зокир ота ўгли ишлайдиган
гўшт растасига яқинлашди. Ўғли-
ни олдида харидорлар кўп, савдо-
си бароридан келаётган эди.
Ота қимтинибгина ўғли ёнига
борди ва:

КОШКИ ОТАЛАР ҚАРИМАСА ЭДИ...

– Ўғлим, ҳорма, чарчамаёпсан-
ми? Ўтиб кетаётган эдим. Бугун
маҳаллада қарилар йиғилишиб
бир димлама қилмоқчи эдик. Дим-
ламага мўлжаллаб гўшт қилиб
берсанг, – деди.

Отасини кўриб, авзойи бузил-
ган Ботир дағдаға қилди:

– Шуни уйда айтсангиз ҳам
бўларди-ку! Уйга кетаверинг, ўзим
олиб бораман, – деди.

Ота индамай бошини ҳам қил-
ганча растадан узоклашди. Бо-
тирнинг отасига қилган муомала-
сидан шериги Адҳамнинг жаҳли
чиқди.

– Отангни бекорга хафа қил-
динг. Отанга бундай муомала
қилма! – деб дашном берди.

Шеригининг на-
сиҳати Ботирга ёқма-
ди: "Ишимга аралашма", деб жер-
киб ташлади.

– Қариганда уйда ўтирсинлар.
Кун совуқ. Ер музлаган. Йиқилиб
ёки касал бўлиб қолсалар яна

дек бўлиб қолишни кўпчилик
билади. Отамиз ёки онамиз бе-
тобланиб қолса, ёнлариде одам
бор-ку, деб ёки ишларимиз кўп-
лигини вақ қилиб зиёратига бо-
ришни кейинга сураимиз. Аммо
фарзандимиз бетобланиб қолса,

оғритамиз, керак бўлса, йиғлата-
миз. Ҳолбуки бугун, эрта кечикти-
рилган дийдор, хурмат-эҳтиром
индинга армон бўлиб қолишни
ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Азиз дўстим, ота-онангиз ҳаёт-
ми? Бахтли экансиз. Хузурларига



қаерда бўлишимиздан қатъи на-
зар, этиб бориш ҳаракатини қи-
лаимиз. Ота-оналаримизга, худ-
ди улар ҳали кўп умр кўрайдиган-
дек, вақтида чиройли муомала
қилмаймиз, кўнғилларига қара-
маймиз. Уларга берган ваъда-
ларимиз устидан чиқмаймиз.

Ҳатто кўлимизга пул тушиб, иш-
билармон бўлиб қолсак, уларни
ишимизга аралашмаслиқларини,
ақллари бу ишларга ноқис экан-
лини таъкидлаб, кўнғилларини

боринг. Соғинганингизни, уларни
яхши кўришингизни айтиб, бағрин-
гизга босинг. Улкан суянчиқ, қоя
эканини айтиб, кўнғилларини шод
этинг. Дуоларини олинг. Токи эрта-
га бу дийдор, бу сўзлар сиз учун
ҳам армон бўлиб қолмасин...

Зеро, ота-оналаримизга қи-
лаётган жами яхшилиқларимиз,
уларнинг хайрли дуолари биз учун
суянч, куч, хурмат-иззат топиши-
мизда энг муҳим омил бўлади.

Мунира АБУБАКИРОВА